

НАВРЎЗ -ЭЗГУЛИК ВА ГЎЗАЛЛИК, ПОКЛИК ВА ОБОДЛИК АЙЁМИ

Наврўз азал-азалдан уйғониш даври, янги меҳнат мавсумининг бошланиши, тўқин-сочинлик, мўл-кўлчиликнинг бошланиши билан қалбларимизга муҳрланган. Кўклам шабодаси уфуриб турган ушбу фараҳбахш онларда инсон табиат билан янада яқинроқ ва уйғун бўлиб яшашга, атрофдаги одамларга, оиласи, ёру дўстларига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ҳурмат, эҳтиром ҳамда меҳр-оқибат кўрсатишга эҳтиёж сезади. Бир сўз билан айтганда, халқимиз, жумладан, туманимиз аҳолиси Наврўзни ана ана шундай эзгу тамойиллар - ободлик, орасталик, хайру саховат ила кутиб олмоқда. Наврўз байрамини ораста хонадонда, обод маҳаллаларда кутиб олишнинг гашти бўлакча. Шу боис ҳам туманимизнинг барча ҳудудларида Наврўзолди тайёргарликлари анча олдин бошланган. Қишлоғу маҳаллаларда, ташкилот корхоналарда, ўқув муассасаларида турли ҳашарлар уюштирилиб, тозалов ишлари амалга оширилди. Қабристон, зиёратгоҳлар тартибга келтирилди. Саховатпеша инсонларнинг ҳиммати билан кекса ва ногиронлар, ёлғиз қариялар, боқувчисини йўқотган мурувватталаб инсонлар кўнглига ёруғлик улашилди. Кўнгиллардан бошланиб, она табиатда ўз аксини топган бундай ободликни кўриб нафақат кўзлар қувнайди, балки вужуд-вужудимизда яшариш, янгиланиш туйғулари жўш уради. Бу йилги Наврўз байрами туманимизда ҳам оммавий ҳалқ сайли тарзида "Ҳар кунинг Наврўз бўлсин, жонажон Ўзбекистоним!" шиори остида кўтаринки кайфиятда нишонланмоқда. Асосий тантаналар бугун шиорлар ва гуллар билан байрамона безатилган, тумандаги энг кўркам маскан "Истироҳат боғи" да карнай-сурнай садолари билан бошланди. Махсус безатилган извош аравадаги жарчиларнинг Наврўз байрамига чорлови ҳаммани ушбу гўзал масканга олиб кела бошлади. Кўлларида гул тутган Баҳорой, Наврўзой пиёлаларда сумалаклар билан байрам иштирокчиларини шоду хуррамлик билан кутиб олишмоқда. Уларга ҳамроҳ бўлган Бободеҳқон эса елкасида кетмон билан юртимизда бошланажак дехқончилик ишларига ривож тиламоқда. Тантаналарни туман ҳокими С. Солиев очиб, туманда бу улуғ айём арафасида амалга оширилган эзгу ишлар ҳақида гапирди. Шу билан бирга Йилбоши барча соҳалар учун қутбаракали бўлишини тилади. Наврўз тантаналарида МФЙлар томонидан "Келин салом", "Ораста келин", "Дастурхон файзи", "Энг яхши лапарчи ва яллачилар" каби йўналишларда уюштирилган қизиқарли чиқишлиар барчага олам-олам завқ бағишилади. Туманимизда фаолият кўрсатаётган хунармандлар яратган ҳалқ амалий санъати намуналари, хусусий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмаси ҳамда чорва, боғдорчилик фермер хўжаликларининг савдо ярмаркалари байрам иштирокчиларига манзур бўлди. Гуллар ва қушлар кўргазмалари, варрак учирис тадбирларида болажонлар роса яйрашди. Ёш рассомларнинг Ватан, оналар ва болалар, тинчлик ва баҳт мавзуларида яратган асарлари ва Наврўз акс этган расмлари ҳам байрамга ўзгача завқ бағишилади.

Байрам тантаналарида туман маданият бўлими санъаткорлари томонидан тайёрланган концерт дастурига уланиб кетди. Наврўз, баҳор, Ватан, севги-муҳаббатни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар, жозибали рақслар барчани ўйинга чорлади. Байрам тадбирлари туманимиздаги барча қишлоқ ва маҳаллаларда, таълим масканларида, ташкилот ва муассасаларда давом этмоқда.

2023-03-18 15:52:28